

ON THE CONTENT OF "FAIRY TALE"

Mokhitobon NOROVA¹
**Lecturer of German and French
Languages Department
Bukhara State University**

Abstract

This article deals with the scientific and theoretical views of scientists on the term "fairy tale" and its content, the term "fairy tale". It also discusses research by foreign and Uzbek scholars, as well as the features of French and Uzbek fairy tales.

Key words: Term, fairy tale, folklore, texture, fiction, magic-adventure, epic artwork, pottery, proverb, ushuk, varsaki, story, legend.

«ЭРТАК» МАЗМУНИ ТЎҒРИСИДА

Мохитобон НОРОВА¹
Бухоро давлат университети
Немис ва француз тиллари
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада «эртақ» термини ва унинг мазмуни, «эртақ» термини тўғрисида олимларнинг илмий-назарий қарашлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, бу борада хориж ва ўзбек олимлари томонидан яратилган тадқиқотлар ҳамда француз ва ўзбек эртақларининг хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Термин, эртақ, халқ оғзаки ижоди, тўқима, уйдирма, сеҳрли-саргузашт, эпик бадий асар, чўпчак, матал, ушук, варсақи, ҳикоя, афсона, ўтирик.

Ҳар бир халқнинг ўз табиати, турмуш шароити, урф-одатлари, маданияти ва санъатида бўлгани каби, эртақларида ҳам ўзига хослик мавжуд. Ҳар бир халқнинг орзу-ниятлари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, лекин ўз миллийлик хусусиятига ҳам эга бўлади.

Эртақларида миллий-маданий ўхшашликлар, миллий ўзига хосликлар ва дифференциал белгиларни тил ва маданиятда акс эттиришда лисоний воситаларнинг ўрни беқиёсдир.

Айтиш жоизки, «эртақ» аниқ географик минтақага эга бўлмаган чексиз оламда бўлиб ўтади. Умуман олганда, «эртақ»лардаги воқеликларнинг ривожланиб бориши гоҳ табиат қўйнида, гоҳ ўрмонда, гоҳ тоғи-тошда, гоҳ саванда, гоҳ фантастик жойларда учрар экан, у бевосита **фантазия** билан боғлиқ бўлади. «Эртақ»нинг фантазиядан фарқи шундаки, улар орасида реал муносабат бўлиб, «эртақ» икки маъноликни англатмайди ва ғайри табиий хусусият борлиги кузатилади. «эртақ»да ҳеч қачон исбот қилиш талаби, зарурияти туғилмайди ва ўзини ошкор этмайди.

Ле Пиже таъкидлайдики, бола балоғат ёшигача анимист сифатида қолади. Унинг дунёвий ҳаёлида жонли ва жонсиз, инсонлар ва ҳайвонлар, тасаввур ва реал олам кабилар орасидаги хусусиятларни фарқловчи чегара ҳали тўла шаклланмаган ва улар ҳақида тўла тасаввурга эга эмас. Сеҳрли эртақлар ўз хусусиятига кўра жуда бой имкониятга эга бўлиб, бир эртақнинг ўзи беш ёшдан то ўн уч ёшгача бўлган болалар ҳақида гапириб, уларнинг руҳиятини бутунлай қамраб олиши мумкин. Аммо уларнинг «эртақ» ҳақидаги тасаввурлари ва талқини бир-бирига мос келмай қолади [Lacroix, Ch. Le

petit Larousse. 2005, 721].

Доминик Пир ёзишича, сеҳрли эртақлар болаликдаги қўрқинчли ҳолатлар турли хил ўйин усулида: қашшоқлик ва ташлаб кетиш (Le Petit Poucet), қариндошининг ўлими (Blanche-Neige), ўсмирлик давридаги болалар маҳорати ёш болалар нигоҳида (Le Petit Chaperon Rouge), қариндошларнинг бир-бирини кўра олмаслиги (Cendrillon) каби намойиш этилади.

Унинг фикрича, эртақлар ҳаётнинг шафқатсизлиги ва ички курашларнинг сезиларли шаклда унчалик қўрқинчлик бўлмаган ҳолатда ёшларга баён қилади. Улардаги асосий ғоя яхшилик ва ёмонлик орасидаги кураш. Ҳар иккала мотив эртақ қатнашувчилари ёрдамида амалга ошади. Ёмонлик аждаҳо ва жодугарлар томонидан гавдалантирилса, яхшилик эса, тескариси, масалан, митти одамларнинг эртақ қаҳрамонларига кўрсатган ёрдами туфайли рўёбга чиқади [Dominique Pir 2000, 5].

Айтиш жоизки, эртақ тили соф ва аниқ бўлиб, унда кўплаб экспрессиф сўзлар ва феъллар мавжуд. Эртақларни хотирада сақлаб қолиш осон, чунки эртақлар тили кўп ҳолларда етарли даражада ритмик ҳисобланади, аммо тилнинг вербаллашуви ўзининг энг муҳим ифода воситасига эга эмас. Эртақ хусусиятига келсак, эртақдаги персонажлар, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, турли хил имо-ишораларида матннинг фаолияти катта аҳамиятга эга.

Маълумки, эртақ персонажлари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма қатлаמידан бўлиши мумкин, жумладан, инсоният, ўсимлик дунёси, ҳайвонлар ва ҳ.к. Кўп ҳолларда персонажлар ғайритабиий бўлиб кўриниш тус беради.

Биз эртақ қаҳрамонларини тез-тез шахзода, шахзода-малика, қирол, қироличалар, шоҳлар(подшо), сеҳргарлар, йигирувчи аёллар, сеҳр-жодулар ва жодугар кампирлар рамзида кўришимиз мумкин. Сеҳргар ва афсунгарлар шундай инсоний персонажларки, улар қудратли сеҳрли жодуга эга. Жодугар- ялмоғизлар эса асосан доимо ўрмонларда яшаши кузатилади ва улар ўзларининг ёмон характерлари билан кўзга ташланади. Булардан ташқари биз яна турли хил персонажларни санашимиз мумкин. Масалан, эльфлар (пари, руҳлар), руҳлар, кичик даҳолар, сув парилари. Уларнинг таналари инсонга хос бўлмайди, яъни бошидан белигача қиз бола танаси ва белидан пастгача балиқлар танаси шаклида бўлади. Улар ўзларининг ашулалари ва чиройли қоматлари билан денгиз жонивор ва маҳлуқларини сеҳрлаб қўядилар. Бундай мавжудотларнинг мавжудлиги фақат эртақларгагина хос бўлмай, балки жонли предметларга ҳам тегишлидир. Шундай предметлар борки, улар ўзларини инсонлардек тутиб, жонли сеҳр-жодулар билан ажралиб туради. Шундай қилиб, эртақ персонажларини халоскарларга ва

душманларга ажратиш мумкин. Бу эса персонажларнинг ижобий ва салбий хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги замон тилшунослигида долзарб саналган аксиологик тадқиқотларнинг лингвокультурологик ёндашувга эга эканлиги ҳеч кимни таажжубга солмайди. Бу тадқиқотларнинг муҳимлиги маданият тамойилларига асосланган ва кадриятларнинг ўзига хос бебаҳо тизими маданиятларнинг турли-туманлигини белгилайди.

«Эртак» тушунчаси белгилари, албатта, лингвокультурология, этносемантика нуқтаи назаридан ҳам ажралиб туришини инкор қилиб бўлмайди. Чунки эртак – ментал ҳодиса. У оғзаки айтилгани ва ёзиб олингани учун унга эртакчининг – хоҳ у эртак айтувчи бўладими, хоҳ эртакни ёзиб олувчи бўладими, тил менталитети ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди» [М.М. Жўраева. Т., 2017, 178].

Эртак халқнинг маданиятидан дарак берувчи воқеа-ҳодисалар ҳамда лексик бирликларни ўзида яширган прецедент (ўзидан кейинги содир бўладиган худди шу турдаги воқеаларга ўрнак, мисол бўларли ҳодиса) матннинг бир шакли ҳисобланади.

Ўзбек эртаклари, асосан, оғзаки тарзда яратилиб, оғзаки тарзда яшаб келаётган бўлса, француз эртакларининг кўпчилиги ёзувчилар томонидан ёзилиб, адабий эртак сифатида пайдо бўлган деб айтиш мумкин.

References

1. Juraeva M.M. Conte, genre précieux de la littérature. Point de vues des linguistes sur des contes. GIF. LangLit. An International Peer-reviewed Open Sccess Journal. V. 3, №2. India, 2016. – P.102–109. <https://moluch.ru/conf/phil/archive/108/5716/>
2. Juraeva M.M. CATEGORY OF MODALITY: RESEARCH AND INTERPRETATION. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Volume: 86/6. 2020.– P. 149-154. <http://www.t-science.org/arxivDOI/2020/06-86/PDF/06-86-29.pdf>
3. Juraeva M.M. Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019. – P. 392-395. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>
4. Juraeva M.M. National-cultural similarities of uzbek and french folk tales.

JCC Impact journals (ISSN (P): 2374-4564) International Journal of Research in Humanities, Arts and Literature. V. 3, Issue-2. IJRHAL. 2015. – P.51–56.

https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=juraeva+malohat&btnG=

5. Juraeva M.M. The national, cultural and linguocognitive peculiarities of modality of the french and uzbek fairytales. GIF. LangLit. An International Peer-reviewed Open Scsess Journal. V.3, №2. 2016. India, 2016. – P. 81–86.

https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=juraeva+malohat&btnG=

6. Juraeva M.M. The use of modalities expressing national and cultural similarities in the Uzbek and French folk tales. МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ. ISSN 2072-0297. №8, 67. МолодойУчёный. Казань, 2014. – С. 947-950.